



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БҲҮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 12 июнь, № 113 (5787)

Чоршанба

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи билан 2013 йил 13 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев расмий ташриф билан Тошкент шаҳрига келади.

Икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва

халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар. Музокаралар якунлари бўйича Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро манфаатли ва кенг қўламли муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

МУНОСАБАТЛАР КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

13 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган эди. Утган йили мамлакатларимиз бу муҳим сананинг 20 йиллигини нишонлади.

Мустақил ривожланиш йиллари давомида икки давлат раҳбарлари 14 мартаба ўзаро ташрифларни амалга оширдилар. Бундан ташқари, мамлакатларимиз етакчилари турли минтақа-

вий ва халқаро анжуманлар, олий даражадаги кўп томонла муражаботлари чоғида тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш имконига эга бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини белгилашда нафақат уларнинг даромади, балки яшаш шароити, обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, зарур инфратузилманинг мавжудлиги муҳим мезон ҳисобланади.

Қишлоқларимизнинг кўркем қиёфаси

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган кўркем янги уй-жой массивлари барпо этилмоқда.

Шаҳардагидек шароитга эга бундай муҳташам уйларни қуриш ишлари жорий йилда янада кенг қўлаб қилиниши кўркем қиёфага эга бўлади. Давлат дастурида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш масаласи устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Унинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган

ишлар ҳақида эса кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманида атофтича сўз юритилди. "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши ташкил этиш ва кенгайтириш" мавзусидаги мақолада Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган кўркем янги уй-жой массивлари барпо этилмоқда.

Таъкидлангани, мамлакатимизда яққа тартибдор қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш масаласи устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Унинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган

били йўқ ноёб тизим яратилган. Унга кўра, бўлажак уй соҳибларига ҳам кўркем имтиёз ва қўламлилик берилганки, бу аҳолининг, айниқса, ёш оилаларнинг шахсий уй-жойга эга бўлишлари учун кўрсатилаётган ҳамхўрликнинг яққол ифодасидир.

2013 йилда 353 та қишлоқ мавзесида 10 мингта уй-жой қурилиши учун 1,4 триллион сўм ажратилиши белгиланган эди. Ушбу маблағлар "Қишлоқ қурилиш банк"дан ташқари, "Ипотекабанк" ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кредитлари ҳисобига шакллантирилаётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Андижондаги "Ўз Тонг Хонг Ко" қўшма корхонасида нафақат автомобиллар учун бутловчи қисмлар, балки халқ истеъмоли моллари, хусусан, мактаб ўқувчилари учун стол-стуллар тайёрланмоқда.

Салмоқли натижалар

Айни пайтда жамоа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилояти бўлими буюртмаси асосида 2 миллиард сўмлик турли жиҳозлар ишлаб чиқариш харақатида.

Этиборлиси, жорий йилда корхонада турли ҳажмдаги қурилиш миқдори ҳамда иссиқ электр ашёлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Натижада бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 35 нафарга ортди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таннархи арзон, сифати аъло

Бойсун маиший хизмат кўрсатиш коллежи битирувчиси Хилола Раҳматова "Умид" корхонасига ўрнатилган замонавий тўқимачилик дастгоҳини бошқаришни қисқа муддатда ўзлаштириб олди.

Гап шундаки, бир неча йилдан буён буюртмачиларга сифатли бўз матоси етказиб бераётган мазкур корхона фаолияти кенгайтирилиб, тикувчилик ҳам йўлга қўйилди. Натижада бу ерда Хилола сингари ўнга яқин ёшлар бандлиги таъминланди. Айни пайтда малакали

кадрлар ёрдамида миллий либослар, махсус кийим-кечак ва турли ўлчамдаги сочқилар тайёрланаётган. Этиборлиси, хом ашёнинг асосий қисми — мато корхонанинг ўзида тайёрланаётганлиги боис махсулот таннархи анча арзон.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технологиялар — ишлаб чиқаришга

Амударё тумани маркази — Мангит шахрида нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Шоҳнур Озодович" масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда иш қизғин.

— Банкнинг 32 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағимиздан унумли фойдаланиб, замонавий ускуналар харид қилдик, — дейди тadbirkor Назира Усмонова. — Ўн нафарга яқин касб-хўнара коллежи битирувчиларини сафимизга олиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик. Дастлабки натижаларимиз чакки эмас.

Таъкидлаш ўринлики, жорий йилнинг биринчи чорагида 3 миллиард 740 миллион сўмлик маблағ жалб этилиши натижада тумандаги етти та корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 40 фоизга оширилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тажриба ва амалиёт

"Ливадия Бухара" хусусий корхонаси нафақат қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, балки инновация лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам катта тажриба тўплади.

Хусусан, бу ерда ишлаб чиқарилаётган мева ва сабзавотни қуришти ускуналари илҳом ва тежамкорлиги билан буюртмачиларга маъқул. — Биз йилига 200 тагача шундай қуришти ускунасини тайёрлаш имконига эгамиз, — дейди Бухоро шахрида фаолият кўрсатаётган мазкур корхона раҳбари Илҳом Сайфиев. — Улар фермер ҳамда деҳқон хўжалиқлари, шахсий томорқа эгаларига мўлжалланган. Бундай қури-

тиш шақфарида мева ва сабзавот таркибидеги витаминлар яхши сақланади. Улар иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали. Бир соатда атиги 3,5 киловатт электр энергияси сарфлайди. Бошқача айтганда, у электр энергиясини хориждан келтирилаётган турдош ускуналарга нисбатан беш-олти баравар кам талаб қилад.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёш тadbirkorларга молиявий кўмак

Шовот туманида 83 нафар коллеж битирувчиси тadbirkorлик фаолиятини бошлади. Уларга молия муассасаларидан кам фойдали кредитлар ажратилди.

Эндиликда бу ёшлар чорвачилик, тикувчилик, қандолатчилик, гулчилик, саргарошлик, телекоммуникация хизматлари каби бир неча ўнлаб соҳаларда ўз бизнесларини ривожлантиришмоқда.

— Коллежда ўқиб, тadbirkorлик сирларини ўргандик, — дейди шовотлик ёш тadbirkor Сирожиддин Бозоров. — Энди ўзимизнинг Чигатойқалъа қишлоғида банк кредити ҳисобига чорвачилик билан шуғулланаймиз.

Айтиш жоизки, жорий йил бошидан буён вилоятда 500 нафарга яқин ана шундай ёшларга тижорат банклари томонидан 4 миллиард сўм атофида имтиёзли микрокредитлар берилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«КЕЛАЖАК

ОВОЗИ — 2013»

Қашқадарёда "Келажак овози — 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тadbirkor "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилди.

Истеъдодга муносиб рағбат

Маълумки, танловнинг асосий мақсади иқтидорли ёшларни муносиб рағбатлантириш, шижоатли ва интилувчан ўғил-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Шу маънода, бугун мазкур лойиҳа етук интеллектуал салоҳиятли ёшларни кашф этиш ҳамда уларни янгидан-янги эзгу мақсадлар сари ундашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, танловда қатнашиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётган. Хусусан, бу йил кўрикда иштирок этиш мақсадида мурожаат қилган ёшлардан аризалар барча олий ўқув юрталари, касб-хўнара коллежлари ва академик лицейлар ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимларида, шунингдек, интернет сайтлари орқали қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Саноат корхоналари:

Модернизация ва самарадорлик

Бекобод — мамлакатимизнинг улкан салоҳиятга эга саноат марказларидан бири. Айниқса, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, саноат корхоналари модернизация қилиниб, техника ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани натижасида ҳудуднинг бу борадаги имкониятлари кенгайиб, иқтисодиёти тобора раванқ топиб бормоқда.

ИСЛОХОТ

Бугунги кунда ушбу шаҳарда 4 та йирик саноат тузилмаси ҳамда юздан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритаётгани, уларнинг йиллик махсулот тайёрлаш қуввати бир триллион 34 миллиард сўмликдан зиёд эканлиги, бунинг қарийб бешдан бир қисми эса қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келаётгани ана шундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси тасарруфидаги "Бекободцемент" очик акциядорлик жамияти жамоасининг муносиб улуши бор. Нега деганда, кейинги йилларда айнан шу жамиятда бир қатор янги, истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани туфайли махсулот тайёрлаш ҳажми сезиларли



даражада ошмоқда. Яқиндан бошлаб эса корхонада қуруқ усудда клинкор ишлаб чиқаришга киришилгани мамлакатимиз қурилиш материаллари саноати ривожига, шубҳасиз, муҳим воқеа бўлди.

— Янги заводимиз йи-

лига 750 минг тонна клинкор ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, у шу муддатда жами цемент тайёрлаш ҳажмини 2 миллион тоннагача кўпайтириш имконини беради, — дейди "Бекободцемент" ОАЖ бош муҳандиси Эркин Қурбонов. — Бу —

мамлакатимиз бўйича бундай махсулотни 15 фоизга оширади, дегани. Хитойнинг "China CAMC engineering Co. LTD" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳа экологик жиҳатдан хавфсизлиги билан янада аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

Бола ҳуқуқлари ҳимояси

мамлакатимизда мустаҳкам асосга эга

Ёшларни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, бунинг учун нафақат барча шарт-шароитни яратиш, айни чоғда болаларнинг ҳуқуқларини тўла таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Бундан ташқари, мамлакатимизда мустаҳкам асосга эга ёшларни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, бунинг учун нафақат барча шарт-шароитни яратиш, айни чоғда болаларнинг ҳуқуқларини тўла таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

марали халқаро тизими яратилган. Аввало, соҳадаги жаҳон стандартларини шакллантириш учун халқаро декларациялар, резолюция ва конвенциялар ишлаб чиқилганини айтиш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ички бозорни сифатли махсулотлар билан тўлдирish ҳамда сифатсиз ва ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олишга алоҳида этибор қаратилмоқда.

Товарларни давлат тилида маркалаш амалиёти

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида истеъмол товарлари олиб киришни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тadbirkorлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга

оширилаётган ишлар мисолида бундан яққол кўриш мумкин. Мазкур ҳужжатда тасдиқланган рўйхатга мувофиқ, республикамизга олиб кириладиган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол

товарларига 2013 йил 1 июлдан бошлаб, уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан давлат тилидаги товар маркази қўйилиши зарурлиги белгиланди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон — Қозоғистон:

МУНОСАБАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил сентябрида Остонага буюрган расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг ривожланиши, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги вазият, шунингдек, ўзаро қизиқшиш уйғотадиган долзарб халқаро муаммолар билан боғлиқ муҳим масалалар билан атрофлича муҳомада қилди.

Остонадаги учрашув вақт синовидан ўтган шериклар сифатида икки томонлама ва кўп томонлама аҳамиятга молик барча масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг нуқтаи назарлари муштарак ёки яқин эканлигини яна бир бор намойиш қилди. Остона учрашуви янги бунёд бунёдчилик ҳамда барқарор ўсувчанлик билан изоҳланади. 2012 йил якунлари бўйича икки томонлама савдо кўрсаткичлари қарийб 2,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги пайтда мам-

лакатимиз ҳудудидида қозоғистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 180 га яқин корхона фаолият кўрсатаётир. Улар машинасозлик, металлга ишлов бериш, енгил ва озиқ-овқат санъати, қурилиш ҳамда бошқа соҳаларни қамраб олган. Ўз навбатида, Қозоғистонда Ўзбекистон фуқаролари иштирокидаги 120 тадан зиёд корхона рўйхатдан ўтган.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун ишга солинмаган катта салоҳиятга эгадир.

Ўзбекистон ва Қозоғистон — умумий кўхна тарихга, ягона этникод, муштарак анъана, урф-одат ва менталитетга эга бўлган қардош халқлар истиқомат қиладиган давлатлардир. Шу боис маданий-гуманитар ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустақамланшишида муҳим аҳамият касб этади.

2006 йили Ўзбекистон Мамун Академияси ва Р. Сулаймонов номидаги Қозоғистон Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзолангани, 2012 йил август ойида Тошкентда “Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 20 йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлиги: тарих, бугун ва истиқбол” мавзюида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилгани ҳамда бошқа тадбирларни самарали ҳамкорликнинг

намунаси сифатида қайд этиш мумкин.

Бундан ташқари, томонлар анъанавий равишда таниқли муосавирлар асарларининг кўшма кўргазмалари ва халқ хунармандлари ярмаркаларини ташкил этишаётир, музыка ҳамда театр жамоаларининг ижодий сафарлари амалга оширилмоқда. Икки давлат кино санъати намояндалари йирик киноанжуманларда қатнашяпти, шунингдек, улар ўз бадий асарларининг тақдимотларини намойиш этмоқдалар.

Шаклланган яхши анъаналар мувофиқ, ҳар икки мамлакат миллатлараро ҳамжиҳатликнинг ҳамда ўз тарихий ватанидан ташқарида истиқомат қиладиган барча халқлар вакилларига нисбатан ҳурмат билан муносабатини таъминламоқда. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 810 мингдан ортиқ қозоқ, Қозоғистонда эса салкам 460 мингдан зиёд ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда қозоқ тилида таълим берилмайдиган 417 та мактаб, қардош қўшни давлатда эса тахсил ўзбек тилида олиб борилмайдиган 175 та мактаб фаолият юритапоти.

Ўзбекистонда қозоқ театрлари ва миллий-фольклор ансамбльлари ижодий фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси ҳузурида Қозоқ адабиёти кенгаши мавжуд, қардош халқ тилида “Нурлы жол”

газетаси чоп этилаётгани баробарида, Миллий телерадиокомпания каналларида махсус кўрсатувлар эфирга узатилмоқда. Республика қозоқ маданияти маркази томонидан қозоқ оқинлари, ёзувчи ва журналистлари қаламига мансуб эллика яқин китобни нашр қилишда ёрдам кўрсатилди. Қорақалпоғистон давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган бўлиб, Ангрэн, Гулистон, Жиззах, Навойи ва Нукус шаҳарларидаги педагогика олий ўқув юрларида бир нечта фанлардан қозоқ тилида дарс берилиши йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, Остона, Алмати ва Қозоғистоннинг бошқа тўққизта минтақасида ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан ҳар йили “Ўзбек халқининг тили, маданияти ва урф-одатлари кун” тадбири ўтказилади. Она тилидаги даврий нашрлар ҳамда махсус радиосанъитириш ва телекўрсатувлар Қозоғистон ўзбекларининг маданий ўзига хошлигини, миллий анъаналари ва урф-одатларини асраш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Икки мамлакат халқлари ўртасида бир-бирини тушуниш ҳамда ўзаро ишончга асосланган тарихий дўстлик ва қардошлик ришталари минтақамиздаги барқарорлик ҳамда тинчликнинг сақланишига қўмақлашяпти.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш учун янги имкониятларни яратаяди.

«Жаҳон» АА.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Қишлоқларимизнинг кўркем қиёфаси

Хусусан, ўтган беш ой ичида республикамизнинг мазкур етакчи муассасалари томонидан қарийб 450 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Анжуманда янги қишлоқ маззеларида кенг ва раво йўллар қуриш, уй-жойларни табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари билан таъминлаш, савдо ва маийш хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этишга доир лойиҳаларда тижорат банкларининг иштироки ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Зеро, йил бошидан буён шў мақсадларга йўналтирилган маблағлар ҳажми 315 миллиард сўмдан ошди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг уй-рўзгор бўюмлари ва маийш техникаларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун 13,1 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш лойиҳалари рўйбига 302 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилди.

Буларнинг бари қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш, қиёфасини тубдан ўзгартириш, энг асосийси, аҳоли ҳаётининг сифатини янада яхшилашга хизмат қилаётгани билан эътиборга лойиқир.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия биргаликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш амалиёти ва истиқболларига бағишланган семинар ўтказди.

Вояга етмаганлар тарбияси ва ижро масъулияти

Семинарда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Юртимизда болаларнинг бахтли ҳаёт кечирishi, уларнинг қобилиятини аниқлаш ва намоен этиш учун барча зарур шароитлар ҳамда кенг имкониятлар яратилган. Бу йўналишда тегишли қонунчилик базаси яратилган, таълим муассасалари, оила, давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари, фуқаролик жамияти институтлари биргаликда самарали иш олиб бормоқда.

Мамлакатда баркамол авлодни тарбиялаш бўйича комплекс дастурлар доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, болалар ҳуқуқларини таъминлаш, ота-оналар ёки жамоатчиликнинг ўсиб келаётган авлод олдидидаги масъулиятини ошириш борасида ҳам тадбирлар рўйбига чиқарилмоқда. Бу ишлар самардорлигини ошириш вояга етмаганларда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантиришга, улар онгига маънавият ва соғлом турмуш тарзи

асосларини сингдиришга хизмат қиладди. Қайд этиб ўтилганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда болаларга таълим ва тарбия бериш, ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг соғлиғи ҳақида қайғуриш ва бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг ҳуқуқини муҳофаза си таъминланаётгани, ўсимлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни профилактикасига эътибор кучайтирилгани натижасида сўнгги йилларда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик сезиларли даражада камайганлиги кузатилмоқда. Семинарда, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятини такомиллаштириш амалиёти ва истиқболларини таҳлил қилиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Жойларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар салоҳиятини кучайтириш, жамиятда уларнинг роли ва мавқеини янада юксалтиришга, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда масъул органлар фаолиятини мувофиқлаштириш самардорлигини ошириш ҳамда “Обод турмуш йили” Давлат дастурини амалга оширишда вазирларнинг асосий ўрни ҳамда мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Танловнинг шахар ва туман босқичларида сараланган 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 922 нафар иштирокчи орасидан 45 киши якуний босқичга йўланма олди. Иқтидор соҳиблари анъанавий ва амалий санъат, ахборот технологиялари ва рационализиаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар, архитектура ва дизайн, бадиий ижод ва публицистика номинациялари бўйича маҳоратларини намоен этишти.

Истеъдодга муносиб рағбат

— Ушбу нуфузли кўрик-танлов юртимиз бўйлаб иқтидорли ёшларни кашф этиш ҳамда уларни янгича мақсад ва гоғлар атрофида бирлаштиришда беқиёс аҳамият касб этмоқда, — дейди “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг Қашқадарё виллояти бўйича координатори Дилшод Бегмавов. — Асосийси, голибларнинг келгусидида ижодий фаолият ва изланишлари “Фонд Форум”, кўрик-танловнинг Жамоатчилик кенгаши, шунингдек, қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг энг қизиқарли лойиҳалари амалиётда қўлланилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши учун махсус грантлар ажратилмоқда. Бундан ташқари, лауреатларнинг халқаро фестивал ва дастурларда иштирок этиши, патент олиши, турли кўргазмалар, бадиий тадбирлар ташкиллаштиришида яқиндан кўмак берилаяпти.

Танловнинг виллоят босқичи доирасида иштирокчилар ижодига оид тасвирий ва амалий санъат йўналишидаги кўргазмалар ҳамда оригинал дизайнга яратилган миллий либослар намойиши ташкил қилинди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Саноат корхоналари:

Модернизация ва самарадорлик

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Мисол учун, эски линиянинг учта айланма пехида соатига 85-90 тоннагача клинкер тайёрланган бўлса, янги линияга шу вақт мобайнида битта пехнинг ўзидан 110 тоннагача яримтайёр маҳсулот олиш мумкин. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнидаги барча босқичлар компьютерлаштирилган тизим орқали мувофиқлаштириб борилиши билан бирга, клинкерни куйдириш технологияси табиий газда ҳам, кўмирда ҳам ишлашга мўлжалланган.

Энг муҳими, янги қувватнинг фаолият бошлаши билан “Бекободцемент”да кўшимча 160 та иш ўрни вужудга келди. Ишловчиларнинг аксарияти шахардаги касб-хунар коллежлари битирувчилари эканлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Айни пайтда корхона жамоаси бетон гишлар, йўлак плиталари, пластик ойналар ишлаб чиқаришга оид янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича изланмоқда. Мақсад — қурилиш ташкилотларига уларнинг талабларига жавоб берувчи сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш орқали республикамизда бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштиришдан иборат.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Айни чоғда бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус назорат органи тузилган бўлиб, давлатларнинг миллий қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишлари изчил олиб борилаётганда. Шунга мос равишда БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ орқали халқаро кўмак бериш институти фаолияти тобора самарали бўлаётир. Буни жаҳонда ривожланган давлатлар сиёсатининг турли йўналишларида бола ҳуқуқлари, уларнинг эркинчиликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш гоғси ўз ифодасини топганлиги ҳам тасдиқлайди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция дунёнинг 193 давлати, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган. Мазкур Конвенциянинг 21-бандида бола асраб олиш тизими мавжудлиги эътироф этилиб, унда болани асраб олиш фақат ваколатли органлар томонидан ҳал этилиши белгилаган. Бинобарин, мамлакатимизда Конвенцияда эътироф этилган ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар яратилган.

Яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ана шу масалага қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Унга кўра, Фуқаролик процессуал кодексини “Фарзандликка олиш”га оид янги 311-боб ҳамда 2851-2857-

Бола ҳуқуқлари ҳимояси

мамлакатимизда мустақам асосга эга

моддалар билан тўлдирилди. Оила кодексининг бир қатор моддаларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Аник айтганда бўлса, мазкур Қонун билан фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг ашаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судида берилиши, болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишлинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича виллоят ёки Тошкент шаҳар судига берилиши мустақамланди. Фарзандликка олишнинг боланинг янги ота-онаси билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чиқиб кетишига оид масаланинг ўта озиқ жиҳатлари алоҳида эътиборга олинди, бундай туркумдаги ишлар бевосита виллоят судлари судьялари томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Айтиш жоизки, Фуқаролик процессуал кодекси янги 311-боб билан тўлдирилганига қадар фарзандликка олиш масаласи болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига кўра ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокимлари томонидан кўрилади, ҳокимнинг қарори билан амалга оширилади эди. Натижада амалиётда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари айрим масъул ходимларининг етарли юридик маълумотга эга бўлмаганлиги боис болаларни фарзандликка олиш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда айрим камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари кузатиларди. Фарзандликка олиш масаласини ҳал этиш судлар ваколатига берилганлиги бундай камчиликларга йўл қўйишнинг ҳам олдини олади.

Шунингдек, Оила кодексининг “Болалар муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алимент ундириш” ҳақидаги 107-моддаси матни ҳам янги таҳрирда баён этилди. Ушбу модданинг аввалги матнида, вояга етмаган болани ота-онасидан олиб, уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда судлар томонидан ота ва онанинг ҳар биридан ушбу муассаса фойдасига Кодексининг 99-моддасида белгиланган миқдорда алимент ундириш белгиланган бўлса, янги Қонунга биноан, алиментлар эндиликда муассаса фойдасига эмас, балки айнан боланинг фойдасига ундирилиши, яъни бунда ундирилган алиментлар тарбия муассасасига топширилаётган боланинг номига очилган банк ҳисоб ваарағида жамланиши ва у вояга етганда унга тўланиши мустақамлаб қўйилди. Аниқроқ айтганда, тарбия муассасасини тамомлаган ва янги ҳаётни бошлаётган битирувчининг ўз шахсий жамғармаси бўлиши кафолатланди.

Оила кодексининг “Фарзандликка олиш” деб номланган 151-моддаси матни ҳам янги таҳрирда баён қилинди. Аниқроқ айтганда, тарбия муассасасини тамомлаган ва янги ҳаётни бошлаётган битирувчининг ўз шахсий жамғармаси бўлиши кафолатланди.

Оила кодексининг “Фарзандликка олиш” деб номланган 151-моддаси матни ҳам янги таҳрирда баён қилинди. Аниқроқ айтганда, тарбия муассасасини тамомлаган ва янги ҳаётни бошлаётган битирувчининг ўз шахсий жамғармаси бўлиши кафолатланди.

Бундан ташқари, мазкур Кодекс 155-моддасининг 2-қисми матни ҳам янги таҳрирда баён этилиб, илгари фарзандликка олиш учун боланинг розилиги фақат васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланиб, илгари фарзандликка олиш учун боланинг розилиги фақат васийлик ва ҳомийлик органи билан биргаликда, суд томонидан ҳам аниқланиши белгиланди.

Умуман олганда, фарзандликка олиш тартибини такомиллаштиришга оид миллий қонунчилигимиздаги янги қондалар инсон ҳуқуқлари, хусусан, вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларга, масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қондаларига ҳамда БМТнинг Вояга етмаган болаларга нисбатан оид судловни юритишга доир минимал стандарт қондаларига тўлиқ мос келади. Фуқаролик процессуал ва Оила кодекслари киритилган бўлиши ҳамда қўшимчалар оила институтини такомиллаштириши, уни ривожлантириш ҳамда вояга етмаганлар ҳимоясини изчил таъминлашда мустақам ҳуқуқий қафолат бўлиб хизмат қиладди.

Ҳолмўмин ЁДОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси.

ИНТИЛИШ

Фаллаорол туманидаги "Хамкор мадад савдо" хусусий корхонасида шлакоблок ҳамда алюминий профилдан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳсулотлар тури кўпайди

— Уч йил муқаддам фаолияти мизни қурилиш моллари савдосидан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Акмал Ҳамроев. — Ўтган йили бетон қоплама маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик. Жорий йилда банкнинг 38 миллион сўмлик кредити ва ўз маблағимиз ҳисобига янги лойиҳани амалга оширдик. Натижада 5 та кўшимча иш ўрни яратилди. Ҳар ойда 35-40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараёلمиз.

Улуғбек АДИБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Товарларни давлат тилида маркалаш амалиёти

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона мажмуасида ўтказилган семинар-тренинг мазкур қарор мазмун-моҳиятини ташқиқтисодий фаолият иштирокчиларига етказишга бағишланди. Унда пойтахтимидаги ташқиқтисодий фаолият иштирокчилари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдиши.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда товарни ўзбекча маркалаш амалиёти қўлланилаётганига ўн йилдан ошди. Илгари Вазирлар Маъжамасининг 2002 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси-

га истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори билан 2003 йил 1 январидан бошлаб импорт қилинадиган 11 турдаги истеъмол товарларини давлат тилида мажбурий маркалаш жорий этилган эди. Янги рўйхат бўйича мажбурий маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари сони 44 тага етди.

Айтиш жоизки, 2013 йил 1 июлгача эркин муомалага чиқарилган ёки ушбу санага қадар «вақтинча сақлаш» божхона режимига жойлаштирилиб, 1 июлдан кейин эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари давлат тилида мар-

кировка қилинмасдан чакана савдо тармоғида 2014 йил 1 январгача сотилиши мумкин.

